

4-1-2020

INNOVATIVE RISKS AND ANALYSIS OF THE PROBLEMS OF THEIR INSURANCE

R. Sagdiyev

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sagdiyev, R. (2020) "INNOVATIVE RISKS AND ANALYSIS OF THE PROBLEMS OF THEIR INSURANCE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ИННОВАЦИОН РИСКЛАР ВА УЛАРНИ СУҒУРТАЛАШДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Мазкур мақолада инновацион рискларни суғурталашда мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Рискларнинг вужудга келиш назариялари атрофлича ўрганилган. Инновацион рискларни суғурта турлари бўйича классификацияси келтирилган. Инновацион иқтисодиёт шароитида рискларни бошқаришнинг суғурта усулидан фойдаланиш афзалликлар ва унга тўсик бўлаётган омиллар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: инновация, инновацион риск, инновацион иқтисодиёт, инновацион рискларни суғурталаш, суғурта суммаси, суғурта копламаси, рискларни баҳолаш, ҳаёт суғуртаси, мол-мулкни суғурта қилиш, жавобгарликни суғурта қилиш.

ИННОВАЦИОННЫЕ РИСКИ И АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ ИХ СТРАХОВАНИЯ

В данной статье анализируются текущие проблемы страхования инновационных рисков. Были изучены теории возникновения рисков. Дана классификация инновационных рисков по видам страхования. Анализируются преимущества и недостатки использования метода управления страховыми рисками в инновационной экономике.

Ключевые слова: инновация, инновационный риск, инновационная экономика, страхование инновационного риска, страховая сумма, страховое покрытие, оценка риска, страхование жизни, страхование имущества, страхование ответственности.

INNOVATIVE RISKS AND ANALYSIS OF THE PROBLEMS OF THEIR INSURANCE

This article analyzes the current problems of innovation risk insurance. Theories of risk formation have been extensively studied. There is a classification of innovative risks by types of insurance. The advantages and disadvantages of using the method of managing insurance risks in an innovative economy are analyzed.

Key words: innovation, innovation risk, innovative economy, innovative risk insurance, insurance amount, insurance coverage, risk assessment, life insurance, property insurance, liability insurance.

Кириш

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида оммавий равишда инновацияларнинг пайдо бўлиши учун шарт-шароитлар яратилган. Бироқ, ушбу жараёнларда бир қатор муаммоларнинг мавжуд бўлиши уларнинг ривожланишига тўсик бўлиши мумкин, булар қўйидагилардир:

– сифатли инновацион лойиҳаларнинг етишмаслиги;

- инвестиция мақсадларида фойдаланиши мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг тақчиллиги;
- инновацион соҳада бизнес юритишнинг юқори хавфи;
- миллий суғурта тизимининг инновацион рискларни суғурталаш амалиёти ривожланмаганлиги;
- инновацион рискларни суғурталаш ва уларни баҳолаш борасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

Юқори рисклилиқ даражаси инновацияларнинг ажралмас ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай инновацияларнинг биринчи даражали мақсади рискларни бошқариш ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган бошқарув тизими бутун инновацион лойиҳани амалга оширишнинг муваффақиятли натижаларини белгилаши мумкин.

Инновацион рискларнинг асосий хусусияти уларнинг мураккаблиқ даражаси ҳисобланади. Улар қўйидаги соҳаларда намоён бўлади:

- Мулкый манфаатлар ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;
- ижтимоий таъминот;
- фуқаролик жавобгарлиги.

Инновацион фаолият жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган рисклар асосан қўйидагилардир:

- инновацион лойиҳани нотўғри танланиши;
- инновацион лойиҳанинг молиялаштириш даражаси етарли эмаслиги;
- инновацион лойиҳа натижаларини тижоратлаш имкониятларининг йўқлиги;
- инновацион лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг етишмаслиги.

Корхоналар фаолияти жараёнларига янгиликларни киритиш борасида шундай усулларни жорий этиш керакки, улар корхонанинг инновациялардан режалаштирилган ва амалдаги реал ҳолат ўртасидаги тафовутларни камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, инновацион муносабат субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишда, инновацион рискларни аниқлаш ва уларни суғурталаш масаласини долзарб этиб қўяди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодий фан ва амалиётда рискларни яхлит назарияси ҳали шакллантирилмаган. Илмий адабиётларда 50 дан ортиқ турли рикс мезонлари ва 250 дан ортиқ турлари келтирилган. Биринчи маротоба, риск тушунчаси тадбиркорликнинг функционал хусусияти XVII-асрда француз иқтисодчиси R.Cantillon томонидан илгари сурилган, у тадбиркорни ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қиладиган ва ўз манфаатларини қондирадиган шахс сифатида қараган [1].

Рискларнинг назарий жиҳатдан категория сифатида намоён бўлиши ва илмий иқтисодий таҳлил объектига айланиши фақатгина XVIII-асрдан

бошланган. Жаҳон иқтисодиётида тадбиркорлик рискларининг классик ва неоклассик назарияси алоҳида ўрин тутди.

Классик риск назариясининг асосий жиҳатлари N.U.Senor ва R.V.Mann лар томонидан XIX-асрда шакллантирилган. Ушбу назария тарафдорлари тадбиркор даромадларининг умумий таркибида келажакда эҳтимолий йўқотишларнинг ўрнини қоплаш мақсадида риск учун ҳақ тўланиши кераклигини таъкидлашган.

Классик назарияда риск маълум ҳаракатларнинг натижаси бўлган харажатларни математик кутилиши билан аниқланади. Аслида рискнинг моҳияти қабул қилинган ёки қабул қилинмаган қарорлар натижасида юзага келадиган йўқотишларга қаратилган. Кейинчалик эса С.Филин [2], А.Стрельцова, О.Цамутали [3], М.В.Грачева [4], П.Грабовог [5], С.М.Илляшенко [6] ва бошқалар ишларида рискнинг классик назарияси ривожлана борди ва бунда риск тушунчаси корхона ресурслари ва жалб қилинган ресурсларни йўқотиш, олинмаган фойда ва кўшимча харажатларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли (тахдиди) сифатида изоҳланади.

Рискнинг неоклассик назарияси вакиллари рискнинг моҳиятини кўриб чиқаётганда рискни воқеа натижаси эмас, балки риск хатти-ҳаракатлар натижаси деб аташади. А.П.Альгина [7], И.Т.Балабанова [8], Ю.С.Масленчикова, Ю.Н.Тренина [9], Е.Е.Егорова [10], Е.В.Серегина [11] ва бошқалар риск муқобил ечимларни қабул қилиш мумкин бўлган вазиятда ноаниқликни енгишга қаратилган фаолият, ҳаракат сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек фаолият ва ҳаракат давомида ижобий ёки салбий оқибатларни ўз ичига олган рискли воқеа эҳтимолини баҳолаш мумкин бўлади.

Инновацион рисклар бу ўз навбатида кам ўрганилган риск гуруҳларини ташкил этади ва В.А.Василенко, В.Г.Шматько [12], П.П.Микитюк, Б.Г.Сенив [13], С.В.Онишко [14] ва бошқалар асарларида ўз аксини топган.

Инновацияларни жорий этиш даврида пайдо бўладиган рискларнинг ҳар хил турлари ва шакллари, улар намоён бўлишининг салбий оқибатлари, шунингдек, уларни мутлоқо йўқ қилишнинг мумкин эмаслиги, сабаб-оқибат муносабатларини ва рискли воқеалар оқибатларини камайтириш йўллари янада таҳлил қилиш зарурлигини белгилаб бериши табиий ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Сўнги йилларда турли хилдаги рискларни камайтириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг оптимал усулларида бири сифатида суғуртани тизимига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Асосий муаммо мамлакатнинг инновацион ривожланишида суғурта бозорининг қўшадиган ҳиссаси тўлиқ баҳоланмаганлигидир. Инновацион рискларни суғурталашга бўлган юқори эҳтиёж билан мамлакатдаги рискли вазият, миқдорларнинг тўлов қобилияти ва молиявий имкониятларининг пастлиги, компанияларнинг суғурта маданияти ривожланмаганлиги ўртасида турли қарама-қаршиликлар мавжуд. Ҳозирги вақтда суғурта ишида фақат корхонанинг инновацион рисклардан ҳимоя қилишнинг умумий тамойиллари ишлаб чиқилган. Шунини алоҳида таъкидлаш

керакки, айнан инновацион корхоналарнинг рисклилиқ даражасининг юқорилиги ва уларни камайтиришда рискларни суғурта орқали бошқаришни долзарб қилиб қўяди.

Шуни таъкидлаш керакки, биринчи навбатда инновацион рискларга кўйидаги омиллар гуруҳи таъсир қилади:

– фундаментал, жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий томонлари билан боғлиқ инновацион фаолиятлари;

– конюктуравий, миллий ва халқаро инновацион маҳсулотлар ва хизматларнинг бозоридаги динамикасининг ўзгариши;

– ички, компаниянинг ички ўзига хос хусусиятларининг ривожланишини белгилайдиган тузилиши ва салоҳияти.

Рискнинг турли хил тушунчалари ва таърифлари, уларни таснифлашнинг у ёки бу шакл, турлари ва усуллари мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Илмий асосланган ҳолда рискларни таснифланиши уларнинг ҳар бир корхонадаги ёки яхлит фаолият туридаги ўрнини аниқ белгилашга имкон беради. Бу рискларни бошқаришнинг тегишли воситаларидан самарали фойдаланиш учун имконият яратади, сабаби ҳар бир риск турига ўзига хос бошқарув тизими мавжуд. Айтиш мумкинки, корхонанинг самарадорлиги кўп жиҳатдан яхши ишлаб чиқилган риск таснифи билан белгиланади.

Инновацион риск бу – инновацион ғояни ишлаб чиқаришдан бошлаб уни бозорда амалга оширилишигача бўлган риск омилларининг ноаниқлиги ва олдиндан айтиб бўлмайдиганлиги натижасида юзага келадиган риск, бошқача айтганда, бу инвестиция қилинган маблағларни йўқотиш эҳтимоли. Шу муносабат билан инновацион риск инновацион фаолият объектларини яратиш, ривожлантириш ва тарқатиш жараёнида салбий оқибатлар эҳтимоли – алоҳида инновацион лойиҳа доирасида режалаштирилган натижанинг (фойда, кутилаётган даромад, тўлиқ ёки қисман инвестиция қилинган мулк) йўқотилиш эҳтимоли сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Инновацион рисклар тўртта асосий омилларга боғлиқ бўлади:

1. Режалаштирилган ўзгаришларнинг натижавийлиги (ўзгаришлар модификацион, яхшиланадиган ва радикал бўлиши мумкин).

2. Корхонанинг ташқи муҳитдаги ҳолати.

3. Корхонанинг ички ҳолати.

4. Корхона фаолиятининг новаторлик фаолиятига тегишлилиги (кечикувчи, эрта қабул қилувчи ва новаторлар).

Инновацион риск тор маънода тадбиркор корхонанинг янги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга инвестиция қилганда юзага келадиган йўқотишлар эҳтимоли. Кенг маънода эса бу инновацион корхонанинг ва унинг ишчилари дуч келадиган барча рисклардир. Аммо шуни таъкидлаш керакки, баъзи муаллифлар инновацион риск тушанчасига корхона дуч келадиган барча рискларни, шу жумладан тижорат, валюта, экологик ва бошқаларни ўз ичига олади деб таъкидлашади. Баъзилар эса аксинча инновацион ва тадбиркорлик рискларни алоҳида ажратишади, сабаби улар спекулятив характерга эга бўлишади ва уларнинг юзага келиш эҳтимолини математик ҳисоблашнинг

имкони йўқлиги ёки йўқотишларнинг жуда катта ҳажми туфайли суғуртага ҳам қабул қилинмайди деб таъкидлайдилар.

Инновацион рискларни таснифлаш бўйича адабиётлар таҳлили [15; 16; 17; 18] ва унда акс эттирилган барча рискларни ягона тизимга бирлаштириш, уларни таклиф этилаётган таснифлаш мезонлари бўйича гуруҳлаш имконини берди.

1-жадвал

Инновацион рискларнинг тавсифланиши¹

№	Таснифи	Юзага келиш шарти
1.	Ташаббус моҳияти бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – актив риск фаол тадбиркорлик ва ташаббусдан келиб чиқади. Янгиликларни профессионал фаолиятга жорий этишда биз рискларга дуч келамиз. Инновацион рискларнинг ўзига хос хусусияти ҳам айнан шунда; – пассив риск асосиз ҳаракатлар туфайли келиб чиқади.
2.	Тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – нававторлик рисклари – текширилмаган объектларни ишлаб чиқариш ва амалда қўллаш билан боғлиқ фаолият натижасида келиб чиқадиган рисклар; – ташаббус (тадбиркорлик) хатарлари – тадбиркорларнинг янги фаолият турини жорий этиши билан бевосита боғлиқ бўлган ички рисклар; – ҳаракат эркинлиги rischi (қарор қабул қилишда мустақиллик ва шахсий жавобгарлик) – тадбиркор-инноваторнинг иродаси, қобиляти, тажрибаси ва бошқа шахсий фазилатлари, шунингдек ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа ахлоқий нормаларга риоя қилиши билан боғлиқ фаолият рисклари; – фойда олишга интилиш рисклари – кенг қўламли ва катта миқдордаги инвестиция қилинган ресурслар билан тавсифланадиган фаолият натижасида келиб чиқадиган, яъни катта даромад олиш (муваффақиятли бўлса) имконияти, шунингдек унда йўқотиш эҳтимоли (муваффақиятсиз бўлса) ҳам мавжуд бўлган катта рисклар.
3.	Риск таркибига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – оддий (масалан: ишчи кучининг етишмаслиги, малакасининг пастлиги, маълумотларнинг камлиги, маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги, режалаштирилган кетма-кетликдан силжишлар); – мураккаб (аралаш) (масалан, ташқи иқтисодий фаолият rischi, қонунчилик ўзгарувчанлиги ва иқтисодий вазият, бозор конъюктурасининг ўзгариш rischi, валюта ва нарх рисклари, бюрократик риск, инновацияларга қаршилик кўрсатиш ва компаниянинг қобилятсизлиги рисклари).
4.	Корхона жараёнлари ва муҳитининг айланиш тезлиги бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – динамик – режалаштирилмаган харажатлар ёки йўқотишларга олиб келадиган корхонанинг ички ва ташқи муҳитдан кутилмаган ўзгаришлар rischi; – статик – мулкка зарар етказиш натижасида корхона активларини йўқотиш, шунингдек олдиндан режалаштирилган ва ҳисобга олинган корхона фаолиятининг лаёқатсизлиги rischi.
5.	Вақт таъсири бўйича давомийлиги	<p>қиска муддатли – бу маълум вақт оралиғида компанияга таҳдид соладиган рисклар;</p> <p>доимий – бу доимий равишда тадбиркорлик фаолиятига таҳдид солувчи рисклар (сейсмик зоналарда жойлашган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи активлар)</p>
6.	Компания фаолиятини камраб олиш даражасига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – тизимли – бозор муносабатларининг барча иштирокчилари учун ёки мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг айрим бочқичлари ўзгариши, бозор конъюктурасининг ўзгариши, бу муносабатларнинг иштирокчиси ўз фаолияти давомида таъсир қила олмайдиган муайян фаолият учун хос бўлган риск; – тизимсиз – самарасиз бошқариш, riskли операцияларга ҳаддан ташқари боғлиқлик, шунингдек корхона фаолиятининг муайян соҳаларига хос бўлган риск.
7.	Таҳдид қилиш даражасига бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – минимал – лойиҳани амалга оширишдан ёки компаниянинг инновацион фаолиятдан фойда йўқотиш rischi;

¹ [15; 16; 17; 18] адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилди.

		<ul style="list-style-type: none"> – ўртача – зарарларни ўз маблағлари ҳисобига қоплаб, харажатларнинг умумий қийматига нолдан умумий харажатлар қийматигача тарқалишини ҳисобга олган ҳолда йўқотишлар эҳтимоли. Ушбу риск биринчи навбатда инновацион лойиҳани амалга оширишнинг тугалланмаган босқичида ва маҳсулотни тажриба-конструкторлик ишларининг тугалланмаган босқичларига ҳосдир; – критик – инновацион лойиҳага сарфланган инвестиция капитали ёки ундан ошиб кетадиган йўқотишлардаги эҳтимоли rischi.
8.	Инновацион фаолият хусусиятига қараб	<ul style="list-style-type: none"> – изланиш хусусиятига эга ва янги ғояни, инновацияни тўғри танлаш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган рисклар; – инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнига ўтказиш даврида юзага келиши мумкин бўлган рисклар.
9.	Инновация объектига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – бозор rischi – инновацион маҳсулотларга талаб ва таклифнинг ҳаракати, инновацион ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг ошиши билан боғлиқ ҳолда капитални йўқотиш эҳтимоли; – бизнес хавф (ишлаб чиқариш) инновацияларни баҳолаш самарадорлиги, инвестиция даври давомийлиги, ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнлари, корхонанинг бошқарув тизимини танлаш, ходимларни танлаш ва ўқитиш хатоларини ифода этади; – молиявий риск инвестиция ва инновацияларни тижоратлаштириш даврида пул қийматининг пасайиши ва активларнинг кадрсизланиши билан боғлиқ; – сиёсий беқарорлик rischi хавфлилиқ даражаси юқори бўлган рисклар сабаби улар суғурта қилинмайди. Юқори даражадаги рисклар иқтисодиётда инкирозларни келтириб чиқариши билан ажралиб туради.
10.	Кўлами бўйича	Иқтисодий, сиёсий; ҳуқуқий; рақобатбардош; ишлаб чиқариш; молиявий; тижорат; инвестиция; транспорт ва бошқалар.
11.	Инновацион жараённинг босқичига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – яратилиш босқичида инновацион жараён йўналишини нотўғри танлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган риск (хавфсизлик ҳужжатларини олиш учун талабнома материалларининг малакасиз бажарилиши; олинган натижани ҳуқуқий ҳимоя қилинмайдиган деб тан олиниши; рақобатчилар таҳдид қилиши; мулк ҳуқуқини олиш билан боғлиқ рисклар; махфий маълумотларни ошкор қилиниши; контрагентнинг шартнома ҳуқуқларини бажармаслик; баҳоловчиларнинг хатолари ва камчиликлари билан боғлиқ рисклар); – ривожланиш босқичидаги риск (бошланғич жараёнида маблағларнинг етишмаслиги, режалаштириш графикларидан четга чиқиш, оғиш натижасида вужудга келадиган риск; натижани технологик даражада амалга оширишнинг иложи йўқлиги; инновацион фаолият объектининг маънавий эскириши); – тарқатиш босқичидаги рисклар, инновацион лойиҳада қатнашувчиларнинг патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ рисклар; маҳсулот ҳажмини нотўғри ҳисоблаш; ҳужжатларни патент талабларига мос келмаслиги; аналогларнинг мавжудлиги; рақобатчилар томонидан патентланган объектларга тақдид қилиши; баҳоловчиларнинг хатолари ва камчиликлари, интеллектуал мулк объектларининг сонининг кўпайиши; нархларнинг тушиб кетиши.
12.	Инновация даврининг босқичига қараб	<p>инновациянинг (ижодий босқичи) яратилиш давридаги рисклар – салбий натижанинг вужудга келиши, патентланмайдиган натижа ва бошқалар билан боғлиқ; инновацияларнинг сертификатланмаганлиги;</p> <ul style="list-style-type: none"> – инновация босқичидаги рисклар ва унинг сотилиш ҳажмининг ўсиши (сотиш босқичи) солбий натижа эҳтимоли билан боғлиқ; – инновацияларни истеъмол қилиш босқичидаги рисклар – бозорда инновацияларни рад этиш эҳтимоли билан боғлиқ; – янгилаш босқичидаги рисклар (йўқ қилиш, ривожланиш, рад этилиши ва пайдо бўлиши) – бозорда ўхшаш инновациялар билан тўйинганлиги билан боғлиқ.
13.	Инновацияларнинг ўзига хос хусусиятига қараб	<ul style="list-style-type: none"> – инновацион лойиҳани нотўғри танлаш rischi (компаниянинг иқтисодий ва бозор стратегиясини етарлича асослаб берилмаганлиги); – инновацион лойиҳани етарли даражада молиялаштирмаслик rischi (компания етарли миқдордаги инвестицияларни жалб қила олмаслиги); – молиялаштириш маабаларини нотўғри танлаш rischi (ўз маблағлари ёрдамида лойиҳани амалга ошириш имкониятлари пастлиги, қарз маблағларини жалб қилиш ва бошқалар); – бизнес келишувларни бажармаслик riskаи (имзоланган шартномаларни бажармаслик, ноқўлай шартлар асосида шартномалар тузиш rischi,

		<p>тўловга лаёқатсиз шериклар билан шартномалар тузиш, улар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик rischi);</p> <ul style="list-style-type: none"> – истеъмолчиларни товар ва хизматлар билан таъминлаш билан боғлиқ маркетинг rischi); – мулк ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ риск (патент, муаллифлик ҳуқуқи);
14.	<p>Инновацион лойиҳани амалага ошириш жараёнида юзага келадиган рискли вазият турига қараб</p>	<p>қўйилган мақсадга эришмаслик, инновацияларнинг техник ёки иқтисодий хусусиятлари қўтилган натижани бермаслиги, инновацион лойиҳа амалга оширилди, лекин харажатларнинг режалаштирилган сметадан ошиб кетиши.</p>

Инновацион рискларни таснифланишнинг ушбу жадвалида рисклар амалда намоён бўлиш натижаларига кўра таснифланган. Рискни ўз вақтида аниқлаш ва локализация қилиш учун ушбу умумий белгилар ва вақт параметрларини билиш етарли эмас, бунда йўқотишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бизнинг фикримизча инновацион рискларни суғурталаш тушунчаси инновацион бизнеснинг барча рискларини, шу жумладан ҳаёт, мол-мулк ва жаваобгарликни суғурталашни ўз ичига олиши мумкин. Яқин ўтмишда суғурталаш амалиётига кенг жалб қилинган рискларни (интеллектуал мулк рисклари, экологик рисклар) кенг маънода инновацион рисклар деб аташимиз мумкин, сабаби бу рисклар нафақат инновацион корхоналар дуч келиши мумкин бўлган, балки инновацион иқтисодиётни шаклланишида кўлай шарт-шароитларнинг яратилишида уларнинг суғуртага қабул қилиниши муҳим ҳисобланади. Инновацион рискларни суғурталашнинг алоҳида турларини 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Инновацион рискларни суғуртлаш классификацияси [19]

Суғурта тури	Суғурта қилинадиган объектлар
Ҳаёт суғуртаси	Илмий-тадқиқот ташкилотлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиги
Мол-мулк суғуртаси	Экспорт кредитлари, инновацион наномаҳсулотлар, турли хил янги асбоб-ускуналар ва технологиялар, технологик инвестицияларни амалга оширишдан компания ривожланишининг дастлабки босқичидаги йўқотишлар, инновацион корхонанинг молиявий натижалари, авиация ва космик хавфлар, интеллектуал мулклар, ахборот рисклари (биринчи навбатда компьютер ва телекоммуникация ускуналарини, кибр рисклар), кичик инновацион корхоналар, инновацион корхоналарнинг валюта, молиявий ва кредит рисклари, хорижий инвестициялар (асосан сиёсий рисклардан).
Жавобгарлик суғуртаси	Экологик рисклар, шу жумладан атроф-муҳитга етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги rischi, янги технологияларни ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот сифати учун жавобгарлик rischi

Объектлар бўйича инновацион рискларни таснифлашдан ташқари, биз уларни бошқа асослари бўйича ҳам тавсифлаймиз. Амалга ошириш шаклига

кўра суғурта мажбурий ва ихтиёрий равишда; субъектлар бўйича, жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилиши қараб; муддатлари бўйича бўлиши мумкин.

Инновацион рискларни суғурталаш инновацион соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Суғурта технологик модернизацияни рағбатлантириши мумкин, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг янги шакллари ва усулларини жорий этишга амалий ёрдам бериши табиийдир.

Суғурталаш туфайли давлат ўз бўйнидаги турли тўловлар бўйича харажатлар юқини камайтириши мумкин. Идеал ҳолда инновацияларни суғурталаш кўйидагиларни таъминлайди: ноқулай вазият келганда тақдирда етказилган зарарни қоплаш; инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш; инновацион фаолиятга сарфланган молиявий активларни ҳимоя қилиш; инновацион фаолият натижасида яратилган мол-мулкларни суғурта қилиш ва унинг қийматини қоплаш; учинчи шахсларга етказилган зарарларни тўлаш. Суғурта ёрдамида инновацион корхонанинг деярли барча мулкларини, шунингдек кўплаб сиёсий, кредит, тижорат ва ишлаб чиқариш рискларини минималлаштириши мумкин.

Инновацион рискларни суғурталашда интеллектуал мулкни суғурта қилиш турига алоҳида аҳамият берилади, сабаби инновацион бизнес ҳар доим интеллектуал капитал (билим, тажриба, кўникма, малака ва қобилият) талаб қилинади, шунингдек шахсдан ажратиб олинган ижодий натижаларга бўлган ҳуқуқлар асосида шаклланади.

Шуни таъкидлаш керакки, рискларни юзага келиши тўғрисидаги статистика мавжуд бўлганда суғурталашдан фойланиш тавсия этилади. Суғурталаш усули тадбиркор корхонага кўплаб тижорат рискларини минималлаштиришга имкон беради. Шу билан бирга, рискни минималлаштиришнинг суғурта усули баъзи чекловларга эга, биринчидан суғурта мукофотларининг юқори миқдорлари. Суғуртани инновацион рисклардан ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш унга катта маблағ ажратишни ўз ичига олади ва бу лойиҳа нархининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Иккинчидан, баъзи рисклар суғуртага қабул қилинмайди. Масалан, агар суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли жуда юқори бўлса, улар суғуртага қабул қилинмайди ёки жуда юқори суғурта тарифлари белгиланади.

Шунга қарамай, ривожланган мамлакатларда суғурта инновацион рискларни бошқаришнинг энг муҳим ва самарали усулларида бири ҳисобланади. Суғурта шартномасининг мавжудлиги кўпинча режалаштирилган лойиҳаларни амалга оширишда маблағ ажратиш учун асосий шартлардан биридир. Рискларни бошқаришнинг барча шаклларида суғурта тизими энг оптимал ҳисобланади, сабаби суғурта инновацион компанияларининг зарарларини бошқа маблағлардан кўра тезроқ ва самарали қоплаб беради. Бундан ташқари, суғурта компанияси томонидан рискларнинг салбий оқибатлари учун қоплама миқдори чекланмаган. У кўйидагилар билан белгиланади:

- суғурта объектининг ҳақиқий қиймати;
- суғурта суммаси;
- тўланган суғурта мукофоти миқдори.

Инновацион рискларни суғурталаш тизимининг шаклланиши юқори рақобатбардош институционал муҳитни яратиш учун муҳимдир, сабаби бунда:

- тадбиркорлик фаолияти активлашади;
- инновацион иқтисодиётга капитални жалб қилиш имконияти ошади.

Бироқ, бизнинг мамлакатимизда инновацион рискларни суғурталаш ханузгача кенг тарқалмаган ва тасодифий характерга эга.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, замонавий инновацион рискларни ўрганиш, иқтисодиётнинг ҳар қандай даражасидаги инновацион жараёнларни бошқаришнинг маълум бир механизмини яратишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий суғурта компаниялари салоҳиятли суғурталанувчилар манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келадиган суғурта маҳсулотлари, ҳимояларини таклиф қила олмаяптилар, бу асосан суғуртанинг услубий ва меъёрий базасининг такомиллашмаганлиги билан боғлиқдир.

Айни пайтда инновацион рискларни суғурталашни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаяпти, буни кўриб чиқиладиган мавзунинг соҳа нашрларида кам сонли мақолалар чоп этилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан қўйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- Инновацион рискларни таҳлил қилиш ва уларни таснифлаш, суғуртада рискларни қабул қилиш ва зарарларни баҳолашнинг ягона услубий ёндашувларнинг йўқлиги;

- инновациялар соҳасида рискларни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларининг такомиллашмаганлиги.

Табиийки давлат иштирокисиз мамлакатимизда инновацион рискларни суғурталашни ривожлантириб бўлмайди. Инновацион рискларни суғурталашни давлат томонидан рағбатлантириш воситалари сифатида қўйидагиларни қўллаш мумкин:

- Суғурта мукофотларини субсидиялаш;
- янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқаришни молиялаштириш;
- инновацион рискларни суғурталашга ихтисослашган суғурта компанияларининг маъмурий ва операцион ҳаражатларини субсидиялаш.

Бу ижтимоий аҳамиятга эга инновацион лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади, сабаби бу ҳолатда рискларни минималлаштириш муҳим вазифага айланиди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Cantillon R. Essay sur la nature du commerce en général. Ed. Alfred Sauvy, Paris: Institut national d'études démographiques. 1952.

2. Филин С. Неопределенность и риск. Место инновационного риска в классификации рисков // Управление риском. -2000. -№4. -С. 25-30.
3. Стрельцов А. Оценка риска при обновлении производственного аппарата // Управление риском. – 2000. – №2. – С. 12-14.
4. Грачева М.В. Риск-анализ инвестиционного проекта: Учебник. – М.: Юнити-Дана, 2001. – 351 с.
5. Грабовый П.Г. Риски в современном бизнесе / П.Г. Грабовый, С.Н. Петрова, С.И. Полтавцев и др. – М.: Аланс, 1994. – 200 с.
6. Илляшенко С.М. Економічний ризик: Навч.посібн. 2-ге вид., доп.перероб. – К.: Центр навчальної літератури, 2004. – 220 с.
7. Альгин В. Анализ и оценка риска и неопределенности при принятии инвестиционных решений // Управление риском. – 2001. – №3. – С. 21-29.
8. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 192 с.
9. Масленчиков Ю.С. Системное и ситуационное управление банковской деятельностью // Бизнес и банки. – 1998. – №3. – С. 2.
10. Егорова Е.Е. Еще раз о сущности риска и системном подходе // Управление риском. – 2002.–№2.–С.9-12.
11. Серегин Е.В. Предпринимательские риски: Учебное пособие. – М.: Финансовая академия, 1994. – 40с.
12. Василенко В.А, Шматько В.Г. Інноваційний менеджмент: Навчальний посібник. – К:ЦУЛ, Фенікс,2003. – 440 с.
13. Микитюк П.П. Інноваційна діяльність. Навч. посібн. – К.: «Центр учбової літератури», 2009. – 391 с.
14. Онишко С.В. Фінансове забезпечення інноваційної діяльності: Навч посібник. – К.: КНТ, 2008. – 55 с.
15. Абчук В. А. Теория риска. – Л.: Судостроение, 1983. – 231 с.
16. Грачева, М. В. Управление рисками в инновационной деятельности: учеб, пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 351 с.
17. Пиотрович А.Н. Макроэкономические аспекты управления инновационными рисками в народном хозяйстве: на примере нефтегазового комплекса: Дис. кандидата экономических наук: 08.00.05. - Москва, 2009. - 150 с.: ил. РГБ ОД, 61 09-8/2172.
18. Посталуок, М. П. Инновационные отношения в экономической системе: теория, методология и практика. - Казань: Изд-во Казанского ун-та, 2006. Авторферат диссер.
19. Sagdiev R.S. Systematization and insurance of innovative risks. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. Pages 3909-3915.